



## РАДИКАЛЛАШУВНИНГ ИЖТИМОЙ САБАБЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРАЛАРИ

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
академияси магистратураси тингловчиси  
подполковник Иноқов Бахтиёр Рахимжонович*

**Аннотация.** Мазкур мақолада радикализмнинг моҳияти, унинг ёшлар онгига таъсир етувчи омиллари ҳамда глобаллашув шароитида радикаллашув жараёнларининг кучайиш тенденциялари таҳлил қилинган. Ёшларнинг экстремистик ва радикал ғоялар таъсирига тушишига сабаб бўлувчи ижтимоий, маънавий-психологик ҳамда ахборот-коммуникацион омиллар ёритилган. Интернет ва ижтимоий тармоқларнинг радикал қарашларни тарқатишдаги ўрни, шунингдек, ёшлар маънавий иммунитетини мустаҳкамлашнинг аҳамияти очиб берилган. Мақолада Ўзбекистонда экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, радикаллашувнинг олдини олиш ҳамда ёшларни турли ёт ғоялардан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсати ва норматив-ҳуқуқий ислохотлар таҳлил етилган. Тадқиқот натижаларига кўра, ёшлар орасида бағрикенглик, ватанпарварлик, ахборот маданияти ва танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш радикаллашувнинг олдини олишнинг муҳим омилларидан бири эканлиги асосланган.

**Калит сўзлар:** радикализм, радикаллашув, экстремизм, терроризм, ёшлар, глобаллашув, ахборот хавфсизлиги, маънавий иммунитет, ижтимоий тармоқлар, бағрикенглик, ватанпарварлик.

**Аннотация.** В статье анализируются сущность радикализма, факторы, влияющие на радикализацию молодежи, а также тенденции усиления процессов радикализации в условиях глобализации. Освещаются социальные, психологические и информационно-коммуникационные факторы,



способствующие вовлечению молодежи в экстремистские и радикальные идеи. Раскрывается роль сети Интернет и социальных сетей в распространении радикальных взглядов, а также значение формирования идеологического иммунитета молодежи. Кроме того, рассматриваются реформы и нормативно-правовые меры, реализуемые в Узбекистане в сфере противодействия экстремизму и терроризму, предупреждения радикализации и защиты молодежи от деструктивных идей. Сделан вывод о том, что развитие толерантности, патриотизма, информационной культуры и навыков критического мышления является важным фактором профилактики радикализации среди молодежи.

**Ключевые слова:** радикализм, радикализация, экстремизм, терроризм, молодежь, глобализация, информационная безопасность, идеологический иммунитет, социальные сети, толерантность.

**Abstract.** This article examines the essence of radicalism, the factors influencing youth radicalization, and the growing trends of radicalization in the context of globalization. Particular attention is paid to social, psychological, and information-communication factors that contribute to the spread of extremist and radical ideas among young people. The role of the Internet and social media in disseminating radical views, as well as the importance of strengthening ideological immunity among youth, is highlighted. The study also analyzes the reforms and legal measures implemented in Uzbekistan to combat extremism and terrorism, prevent radicalization, and protect young people from destructive ideologies. The findings indicate that promoting tolerance, patriotism, information literacy, and critical thinking skills plays a significant role in preventing youth radicalization.

**Keywords:** radicalism, radicalization, extremism, terrorism, youth, globalization, information security, ideological immunity, social media, tolerance.

**Радикализм** – Бу шахс ёки гуруҳнинг (жамоанинг) мавжуд ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳолатини тубдан ва муросасиз ўзгартириш истагидан



иборат позицияси. Бунда шахс ўз диний эътиқодини ҳақ деб билиб, ўзгача эътиқодий қарашлар ва фикрларга мурасасиз ва кескинлик асосида ёндашади ҳамда уларни зўрлик йўллари билан ўзгартириш тарафдори бўлади. Бу ҳолат кўпинча жамиятда мавжуд турли диний конфессияларларга кескинлик билан ёндашиш, бир дин доирасидаги ўзга мазҳаб ёки қарашларни мурасасиз инкор этиш ҳамда уларни рақиб сифатида қабул қилишда намоён бўлади.

Ўзбекистонда ёшлар радикаллашувига таъсир этувчи омиллар Мафкуравий зиддиятлар авж олган бугунги глобаллашув даврида интернет ва ижтимоий тармоқларда ёшлар онгини захарлашга қаратилган таҳдидлар тобора кўпроқ намоён бўлиб бормоқда. Афсусланарлиси, бунинг натижасида айрим ёшлар орасида оммавий маданиятга эргашиш, ахлоқсизлик, жиноятчилик йўлига кириш, кашандалик, гиёҳвандлик, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, ўз жонига қасд қилиш, миллийва динийқадриятларга ҳурматсизлик, экстремизм ва радикализм каби ижтимоий иллатларга берилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Ёшлар онгини эгаллаш борасида бугунги кундаги айрим жамоа ва шахсларнинг замонавий ахборот воситалардан кенг фойдаланаётгани таъкидлаш лозим.

Буни айрим статистик маълумотлар орқали ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, “statista” порталининг маълумотларига кўра, Facebook ижтимоий тармоғининг ўзида 2025 йил давомида 36 700 та экстремистик ва бузғунчиликка даъват қилишга йўналтирилган akkaунтлар аниқланган ва фаолияти тугатилган.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнида радикализм ва экстремизм ғоялари дунё бўйлаб жадал суратларда тарқалиб, жамиятда инсонлар айниқса, ёшлар онгига ўрнашиб ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Экстремистик ва радикал жамоа ва ташкилотларнинг аъзолари Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, дин ниқоби остида ёшларимизни зўравонликка, миллий ўзлик ва оилавий қадриятларни тан олмасликка ундаш орқали



жамиятда мурасасизлик, бузғунчилик ва радикал қарашларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Инсон дунёга келиши билан бирор ғоянинг таъсирида бўлмайди. У ўзлигини англаб, атрофни идрок этишни бошлагандан жамиятдаги таъсирлар, ҳаётидаги маънавий бўшлиқлар сабаб радикал ва экстремистик ғоялар таъсирига тушади. Бунда шахс ўзини шу каби ғоялар таъсирига тушган ҳолатини англамайди ва ғоялар таъсирида тушунган қарашларини тўғри деб билади. Бу эса, шахсни радикал ғоялар таъсиридан чиқариш жараёнини қийнлаштиради.

Республикамизда сўнги йилларда экстремизм ва терроризмга қарши маърифий йўл билан кураш олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўлда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, экстремистик оқимлар сафига адашиб кириб қолган, қўли қонга ботмаган ва қилган ишидан чин дилдан пушаймон бўлганларга нисабатан кечиримлилик сиёсатини олиб бориш, ёш авлодни турли бузғунчи оқимлар сафига кириб қолишларини олдини олиш бўйича мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш долзарб вазифалар этиб белгиланган.

Шу сабабли, муқаддас динимизда қораланган, қадриятларимизга зид бўлган ва анъаналаримиз қабул қилмайдиган радикализм, экстремизм ва терроризм каби иллатлардан ёшларимизни асраш, уларнинг тарқалишига хизмат қилаётган ҳар қандай фаолиятга чек қўйиш юзасидан чоратадбирларни белгилаш, бу борада миллий ва халқаро тажрибалардан фойдаланиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирда Республикамизда терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш, бу борада аҳолининг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг



бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «диний экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чора-тадбирларни кучайтириш»<sup>1</sup> вазифаси алоҳида белгиланган.

2021 йил 1 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6255-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган Миллий стратегияси тасдиқланди. Стратегияда экстремизм ва терроризмга қарши курашишдаги мавжуд тажриба, шунингдек, минтақа давлатларидаги мазкур таҳдидларга қарши курашиш бўйича ҳолатнинг қиёсий таҳлиллари тадқиқ қилинган ҳолда Марказий Осиёда экстремистик ва террорчилик фаолиятининг ўзига хос жиҳати, миллий, ижтимоий, диний ҳолатлари ўрганилиб, тадбиқ қилинди.

Стратегиянинг амалга оширилиши қуйидагилар асосий марра этиб белгиланди.

а) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий, ташкилий ва мафкуравий механизмларнинг самарали тизимини, шунингдек, жамиятда бағрикенглик маданиятини шакллантириш;

б) жамиятнинг турли қатламларида экстремистик ва террорчилик фояларининг тарқалишига тўсқинлик қилиш, экстремизм ва терроризмга қарши курашишда давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш;

в) экстремизм ва терроризмнинг барвақт олдини олишга давлат ташкилотларининг, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва таълим

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармонининг 1-иловаси 2.4-банди // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017. №6. 70-модда.



ташкilotларининг барча имкониятларини ва кенг жамоатчиликни жалб қилиш;

г) экстремизм ва терроризмга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш, турли давлат ташкilotлари, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ҳамда фуқароларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш.

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил кадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2023 йил сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-158-сон Фармони билан «Ўзбекистон - 2030» стратегияси тасдиқланди.

Мазкур стратегияга мувофиқ ёшларда юртга садоқат, ватанпарварлик, бағрикенглик, юрт тинчлиги, осойишталиги ва барқарорлигини ҳимоя қилиш салоҳиятини янада юксалтириш, миллий ахборот майдонида қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш, ахборотдан фойдаланиш маданиятини юксалтириш ҳамда аҳолини ёт ва деструктив маълумотлар таъсиридан ҳимоя қилиш ҳамда радикаллашувнинг олдини олиш бўйича мутассадди идораларга бир қатор вазифалар юклатилди.

Бундан ташқари, 2024 йилнинг «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили» деб номланиши ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва ёшлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш борасида олдинда турган муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда экстремизм ва терроризмга қарши курашда аҳолини, айниқса, ёш авлодни турли ёт оқимлар таъсириги тушиб қолишларига йўл қўймаслик, уларни интернет орқали тарғиб қилинаётган турли ғоявий ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар кўламини янада кенгайтириш, терроризм ва экстремизм ғояларига қарши йўналтирилган комплекс илмий тадқиқотлар ва китоблар тайёрлаш ва



нашр этиш ҳамда бағрикенглик ғояси ва тинчликни мустақкамлаш масаласини илгари суриш орқали Ислом динининг асл мазмун-моҳияти юзасидан семинарлар ва конференциялар ташкил этиш, ушбу йўналишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш мақсадга мувофиқ. Шундагина юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва бағрикенглик муҳитини асраш ва уни келажак авлодаларга ҳам етказиш имконига эга бўламиз.

### Адабиётлар:

1. *Жўраев Н.* Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар: Ўқув қўлланма. –Т.:, 2010. –Б. 28.;
2. *Закурлаев А.* Ўзбекистонда ғайриқонуний фаолият кўрсатаётган диний экстремистик ва террористик ташкилотлар ва бу ташкилотларни аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг вазифалари ва жамоят ташкилотлари билан ҳамкорлик: Услубий қўлланма. – Т., 2017.;
3. *Закурлаев А., Ахунов Б.* Диний экстремизм ва террорчилик. –Т., Янги аср авлоди, 2014.- Б. 66.; Ислом инқилоби остидаги экстремистик ва террорчи уюшмалар (Маълумотлар тўплами) /
4. *Исмаилов И., Мамадалиев У.* Диний экстремизм ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий ахбороти. – 2013. 4-сон. – Б. 50-53.;
5. *Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Ҳошимов Н.* Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид: Маърифий – услубий қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети, 2019.;
6. *Кремер Г.* Ислом – дин ва давлат: исломда дин, ҳуқуқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабати // Ислом ва дунёвий-маърифий давлат. – Т.: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2013. – Б. 102.



7. *Хасанов А., Юсупов О., Шермухамедов К. ва бошқ.* Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / – Т.: Моварауннаҳр, 2013. – 160 б.;